



## ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI FAVQULODDA VAZIYATLAR VAZIRINING BUYRUG'I

284 -son

20 21 -yil “02” oktyabr

Toshkent shahri

### Вазирлик тизимида коррупцияга қарши курашиш бўйича комиссиянинг янги таркибини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида” 2017 йил 3 январдаги ЎРҚ-419-сонли Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 27 майдаги ПФ-5729-сонли Фармони ижросини таъминлаш, вазирлик тизимида коррупцияга қарши курашиш ҳамда унинг олдини олиш тизими самарадорлигини янада ошириш мақсадида,

#### БУЮРАМАН:

1. Вазирлик тизимида коррупцияга қарши курашиш бўйича комиссия таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Худудий Фавқулодда вазиятлар бошқармаларида Шахсий хавфсизлик бўлими бошлиғи комиссия координатори этиб белгилансин ҳамда бошқарма тизимида коррупцияга қарши курашиш бўйича комиссияси фаолиятини олиб бориш йўлга қўйилсин;

Таркибий тузилмаларда комиссия координатори этиб Кадрлар, тарбиявий ва мафкуравий ишлар бўлими бошлиқлари белгилансин.

3. Худудий бошқармалар ва таркибий тузилмалар бошлиқлари:

**бир ҳафта муддатда** коррупцияга қарши курашиш бўйича комиссия янгиланган таркибда тасдиқлансин;

Худудий бошқармаларнинг туман ва шаҳар бўлимларида коррупцияга қарши курашиш бўйича комиссия тузилсин ҳамда унинг иши ва фаолияти устидан катъий назорат ўрнатилиши таъминлансин;

**ҳар ой якуни бўйича** кейинги ойнинг 5-санасига қадар дастурлар ва чора-тадбирларнинг ижроси юзасидан Вазирлик тизимида коррупцияга қарши курашиш бўйича комиссиясига ҳисобот киритиб борилсин;

худудий бошқармалар ва уларнинг худудий бўлимлари ҳамда таркибий тузилмалар координаторлари томонидан вазирлик ва идораларнинг худудий бошқармалари координаторлари билан мунтазам равишда ҳамкорлик ташкил этилсин;

коррупция ҳавф-хатарларининг ўз вақтида аниқланиши ва тегишли баҳо берилиши, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этиш ҳолатларига йўл қўйилиши ҳамда дастурлар ва чора-тадбирлар ижросининг таъминланишига биринчи раҳбарларнинг шахсан жавобгар эканлиги белгилансин.

4. Фавқулодда вазиятлар вазирининг “Вазирлик тизимида коррупцияга қарши курашиш бўйича комиссиянинг янги таркибини тузиш тўғрисида” 2020 йил 31 январдаги 38-сонли буйруғи ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Ишлар бошқармаси (полковник Ф.Азизов):

ушбу буйруқ ҳудудий бошқармалар ва таркибий тузилмаларга “Е-хат” тизими орқали юборилсин ҳамда “Гермес” ахборот тизимида жойлаштирилсин; ўз кучини йўқотган буйруқ ўрнатилган тартибда ҳисобдан чиқарилсин; буйруқнинг мазмун ва моҳияти барча шахсий таркибга етказилсин.

6. Мазкур буйруқ талабларининг бажарилишини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

**Вазир в.б.**  
**генерал-лейтенант**



**Т.Худайбергенов**

Фавкулудда вазиятлар вазирининг  
2021 йил 2 октябрдаги 284-сонли  
буйруғига илова

## Вазирлик тизимида коррупцияга қарши курашиш бўйича комиссия таркиби

<b>Комиссия раиси:</b>	Фавкулудда вазиятлар вазири
<b>Комиссия раисининг ўринбосари:</b>	Вазирнинг биринчи ўринбосари - Штаб бошлиғи
<b>Комиссия аъзолари:</b>	Шахсий хавфсизлик бошқармаси бошлиғи Режим хизмати бошлиғи Кадрлар бошқармаси бошлиғи Юридик хизмат бошлиғи Молия-иқтисод бошқармаси бошлиғи Моддий-техник таъминотни ташкил этиш бошқармаси бошлиғи Фавкулудда вазиятлар профилактикаси бошқармаси бошлиғи Фавкулудда вазиятларни бартараф этиш бошқармаси бошлиғи Тузилмаларнинг хизмат ва жанговар тайёргарлигини ташкил этиш бошқармаси бошлиғи АКТ, Алоқа ва хабар бериш тизимини ривожлантириш бошқармаси бошлиғи Радиацион, кимёвий ва тиббий-биологик муҳофаза бошқармаси бошлиғи Назорат ва профилактика бошқармаси бошлиғи. Норматив-техник бошқармаси бошлиғи Маркетинг, харид қилиш ва сотиш бошқармаси Молиявий-назорат бўлими бошлиғи Матбуот хизмати бошлиғи Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш ва ижрони назорат қилиш бўлими бошлиғи
<b>Комиссия координатори:</b>	Шахсий хавфсизлик бошқармаси Коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлими бошлиғи
<b>Комиссия котиби:</b>	Шахсий хавфсизлик бошқармаси бўлим бош инспектори

*Изоҳ: Ушбу лавозимлар вакант бўлган тақдирда, бошқарма ёки бўлимларнинг ўринбосарлари вақтинча комиссия аъзоси вазифаларини бажариб боради.*